

Qishloq hayoti

2012 йил **Муштақам оила** йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 21-SENTABR, JUMA, 111 (8036)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



"Истиклол" МЧЖнинг чевар тикувчилари томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар кўрган кўзни қувонтиради. Бичими ва тикилиши, айниқса, бежиримлиги жаҳон андозаларига мос келади. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки корхонанинг ўнлаб мутахассислари дунёнинг ривожланган давлатларига бориб, ўз малакаларини ошириб келишмоқда.



Ота-боболаримиз, айниқса, чўллик чорвадорлар туялардан жуда унумли фойдаланишган. Туяни миннишган, чуқур қудуқлардан сув чиқаришган, кўраларидан яйловларига ём-ёмиш ташишган. Шу боис, уларни «Сахро кемаси» деб аташган. Туяга яна бир таъриф беришди — «Чўл аптекаси». Бунинг боиси унинг сути жуда кўплаб дардларга шифо бўлади.



Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда яратилган шарафдан унумли фойдаланиб, тадбиркорларимиз юксак натижаларга эришмоқдалар. Бу жараёнда «Микрокредитбанк» ҳам ўзининг муносиб улуши билан иштирок этмаптир.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: УЗОҚ МУДДАТЛИ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

СЕУЛ. 20 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корёя Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 19 сентябрь кунини давлат ташрифи билан Сеулга келди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки пойи осойиш тоғдан Миллий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиш билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат баҳо келтириб, Миллий ёдгорлик мажмуига гулчамбар қўйди.

Икки мамлакат Президентларининг расмий учрашуви маросими Корёя Республикаси раҳбарининг қароргоҳи жойлашган «Чонг Ва Да» («Мовий сарой») тарихий мажмуида бўлиб ўтди.

Ислам Каримов ва Ли Мён Бак очилган ва ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш руҳида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли, жумладан, ўзаро сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, сармоий, маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларига доир

масалаларни, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган йилда ўтаётган ушбу учрашуви жадал ривожланаётган ва ўзаро ишонч билан йўрилган Ўзбекистон — Жанубий Корёя мулоқотларининг мантикий давоми экани таъкидланди. 2011 йили Тошкентда ўтган олий даражадаги мулоқотнинг амалий натижаларидан бири сифатида икки мамлакат раҳбарлари иштрокида йирик кўшма лойиҳа — Сурғил қони негизда газ-кимё мажмуи қурилишига тамал тоши қўйилгани Ўзбекистон билан Жанубий Корёя ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин тимсоли бўлди.

Учрашув якунида Ислам Каримов ва Ли Мён Бак икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига муносиб баҳо берилган, ҳар томонлама муносабатларнинг истиқболдаги устувор йўналишлари белгиланган Кўшма баёнотни қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари иш-

тирокида Фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳўқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома, Сайёхлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, кредит-молия ва бошқа соҳаларга оид қатор ҳўжатлар имзоланди.

Шу кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз қароргоҳида Жанубий Корёянинг етакчи компаниялари раҳбарлари — «Поско» корпорацияси президенти Чунг Жунг Янгни, «Ханжин групп» ва «Корёян эйр» компаниялари раиси Чо Янг Хони қабул қилди. Учрашувларда узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, янги кўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди. Корёя Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазири Мёнг Хюнг Кю билан суҳбат чоғида ахборот-коммуникациялари соҳасида, алоқа тизимида ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корёя Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЧЕХИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Чехия Республикаси Парламенти Сенатининг Конституциявий ва ҳўқуқий масалалар қўмитаси раиси Мирослав Антл раҳбарлигидаги делегация 20 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитасида ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳамкорлик кўлаби соҳаларда, жумладан, парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида парламент делегацияларининг учрашувлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар сиёсий, иқтисодий, ҳўқуқий, маданий-гуманитар ва илмий-техникавий каби кўлаби соҳаларда тараққий этмоқда. Мамлакатларимизнинг иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармоияларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга

оид қатор ҳўжатларга асосланади.

Мамлакатимизда ўн учта Ўзбекистон-Чехия кўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Чехиянинг бир қатор етакчи фирма ва компаниялари юртимизда ўз ваколатхоналарини очган. Улар озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, нефть ва газ, пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сайёхлик соҳаларида фаолият олиб бораётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлиб ўтган учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳвали ва истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Чехия парламенти делегацияси аъзолари шу кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор вазирилик ва идораларида ҳам учрашувлар ўтказди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Фарғона Вилояти



ҚИШ — СИНОВ МАВСУМИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ҚИШ МАВСУМИГА ҲАР ТОМОНЛАМА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИШ, ИЖТИМОЙ МУАССАСАЛАРДА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИ ВА ТУРАР-ЖОЙЛАРДА ЭЛЕКТР, ГАЗ, ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ БАРҚАРОРЛИГИГА ЭРИШИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Кунлар совиши билан аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ортади. Бу электр тармоқлари корхоналари зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Шу боис, «Кўкон электр таъминоти» корхонаси жамоаси қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрди.

Мазкур корхонада электр энер-

гияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, истеъмолчиларнинг кун сайин ортаётган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш мақсадида реконструкция ва модернизациялаш ишлари олиб борилгани ўз самарасини бермоқда. Корхона муҳандиси Фарход Деҳқоновнинг айтишича, бугунги кунда «Кўкон

электр таъминоти» 2 мингдан зиёд улгуржи истеъмолчи ҳамда 48,6 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Синов мавсуми — қиш кунларида таъминотда муаммолар юзага келмаслиги учун ишлаб чиқилган барча тадбирлар сифатли амалга оширилди. Хусусан, Кўкон шаҳридаги Навоий мавзесида «Ин-

дорама» кичик станцияси ишга туширилди.

СУРАТДА: Навоий мавзесида жойлашган «Кўкон электр таъминоти» корхонаси тасарруфидagi «Индорама» кичик станцияси электромонтери Абдусалом Ҳайитбоев.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган сурат.

Самарқанд Вилояти

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Самарқанд вилояти Адлия бошқармасида нотариат институтининг янада такомиллашувиغا бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоятда Адлия бошқармаси ва давлат нотариал идоралари томонидан нотариат институтининг ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритилди.

— Нотариат идоралари хизмати кўп жиҳатдан аҳолининг ҳўқуқий ҳимоясини таъминлайди, — дейди бошқарма нотариат, адвокатури ва ФХДЭ органлари бўлимининг бошлиғи Улмас Ахатов. — Бугунги кунда вилоятда 61 та давлат нотари-

раларида бир хил миқдорда амалга оширилади.

Матбуот анжуманида нотариал идораларнинг бугунги вазибалари, улар зиммасидаги масъулият, олди-сотди шартномаларининг аҳамияти, соҳа такомиллашувиغا хизмат қилувчи асосий омиллар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Бошқармада ўрнатилган ишонч телефонларининг доимий ишлаб туриши аҳоли ҳўқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадидаги масалаларнинг муҳим манбалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

Тошкентда 12-14 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Қуйида халқаро анжуманининг хорижий иштирокчилари томонидан билдирилган фикрлар билан танишасиз.

Майкл О' БРАЙН, Пенсильвания бизнес мактаби президенти (АҚШ):

— Мазкур анжуманда қатнашиш асосида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Америкада кўпинча «энг фойдали инвестициялар — бу таълимга йўналтирилган инвестициялардир» дейишади. Ўзбекистонга қисқа муддатли сафарим давомида давлатнинг ушбу йўлдан бориб, авваламбор ёшлар, уларнинг билим олиши ва кўлажаги учун катта миқдордаги инвестицияларни йўналтириватганига ишонч ҳосил қилдим.

Сиддхарт САКСЕНА, Кембриж университети профессори (Буюк Британия):

— Президент Ислам Каримов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўлаби соҳаларда тараққий этмоқда. Тадбиркорлар, кичик ва хусусий корхоналар барча соҳаларда тенг имкониятларга эга бўлаётгани ушбу сиёсат самарадорлигининг энг муҳим хусусиятларидандир. Бу ўз ўрнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантиришдан манфатдорлигини оширмоқда. (Давоми 2-саҳифада)

Бухоро Вилояти

МАҲСУЛОТИ МИЖОЗЛАРГА МАНЗУР КОРХОНА

Бухоролик тадбиркор Ёқуб Набиев дастлаб фаолиятини чет эллик ҳамкорлар билан вилоятдаги мебель ишлаб чиқаришга иқтисослашган кичик цехларни хомаш ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлашдан бошлаган. Албатта, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни йўлга қўйса, даромади янада ортишини яқин билган тадбиркор хайрли ишга қўл урди.

Мебель ишлаб чиқаришга иқтисослашган корхона ташкил этиш мақсадида амалий ишлар бошлаб юборди ва қисқа вақт ичида Бухоро шаҳар марказида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда «Санжар-Аслиддин» кўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбиркорликнинг бу йўналишида озми-кўлими тажриба

тўплаган Ёқуб Набиевнинг ишлари тезда юришиб кетди. Дастлаб икки-уч турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарган корхона ички бозорда ўз ўрнини топди. Энг асосийси, уларнинг сифати ва нархи миҳозларнинг талабига мос келарди. Шундан кейин аҳоли томонидан ҳам буюртмалар туша бошлади. Тааб ва таклифдан келиб чиққан



ҳолда корхонада иш қўлами ҳам, маҳсулот турлари ҳам кўпайиб борди.

Бугунги кунда қўшма корхонада 15 киши меҳнат қилади. Бу ерда уй, ошхона, ётоқхона, бола-

лар хонаси, офис, ресторан ва аҳоли буюртмаси асосида бир неча турдаги меҳнелар ишлаб чиқарилади.

Ўтган йили корхона ўз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида молия муассасалари билан ҳамкорлик қилди. «Хамкор-банк»нинг Бухоро вилояти бўлими томонидан ажратилган 100 миллион сўм маблағ ҳисобига янги технология харид қилди. Корхонанинг технологик жиҳатдан янгиланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражасини янги босқичга кўтариш имконини берди.

Ҳамроз АЛИ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Наманган Вилояти

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ИСТИҚБОЛГА ЭРИШАЁТГАН «ИСТИҚЛОЛ»

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

“Истиқлол” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Умаровнинг ишхонасига келишилган вақтдан бироз аввалроқ етиб бордик. Шу боис, у билан яна бир бор телефон орқали боғланиб кўрдик. Бахтиёр зарур юмуш билан юрганлиги, аммо тезда етиб боришини айтди. Биз магистрал йўлдан ўтаётган автоуловларни кузатдик. Орадан ўн-ўн беш дақиқача вақт ўтиб, турна қатор автомашиналар орасидан оқ рангли “Ласетти” ажралиб чиқди ва биз турган жойга келиб тўхтади.



мақдир. Яна бир қувончли томони ташқи бозорга 108 минг АКШ долларига тенг махсулот экспорт қилинди. Корхонамиз махсулотлари хорижда ҳам йилдан-йилга талаб ортиб бораётди.

жизга эмас, албатта. Чунки корхонанинг Муаттар Тўрабоева, Бахтиёр Қориев каби ўнлаб мутахассислари дунёнинг ривожланган давлатларига бориб, ўзларининг касбий билим ва малакаларини ошириб келишмоқда.

Бахтиёр Умаров отаси Абдуғани ака, онаси Роҳилоҳон ая орқали меҳнатсеварликка ўрганди. Устози Муҳаммадхон ака Фаниев ва бошқаларнинг кўмаги билан чинакамнига хунаридан бўлиб элга танилди.

— Уэр, сизларни куттириб кўйдим-а, — дейди Бахтиёр сарлом-алиқдан сўнг. — Бизларга вилоят ҳокимининг қарори билан “Камолот ёшлар боғи” ҳудудидан “Дизайн ва модалар маркази” қурилиши учун ер майдони ажрати берилган. Шу масала билан шуғулланаётган эдим.

Унинг хурсандлиги очик чеҳрасидан, қувнаб турган кўзларидан маълум эди. Қолаверса, Бахтиёрнинг бутун вужудини қамраб олган ёшларга хос ғайрат-шижоат, ҳар қандай кишида хушқайфият уйғотади.

Утган йил — Кичик бизнес ва хусусий табдиркорлик йили Бахтиёр Умаров учун унутилмас, қувончли воқеаларга бой бўлди. “Ташаббус-2011” кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган Бахтиёр “Энг яхши табдиркор” номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди ва мамлакатимиз Президенти савғаси — “Spark” автомашинаси билан тақдирланди. Бу ҳали ҳаммаси эмас...

— Утган йилнинг 30 октябрий нафақат мен, балки жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун бир умрлик ёдда қоладиган сана бўлди, — дейди у. — Бизнинг мўъжазига

корхонамизга муҳтарам Президентимиз ташриф буюрдилар. Корхонамиз ҳаёти билан яқиндан танишиб, ўзларининг қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқларини бердилар. Айниқса, корхонамиз чеварлари томонидан тайёрланаётган кўплаб турдаги костюм, пальто ва куртқаларга юқори баҳо берганликлари катта маддад бўлди. Бундай эътироф бизларни ўз устимизда тинмай изланишга, англикка иштилоб ишлашга чорлади.

— Утган йили Германиянинг Берлин, Кёльн каби бир қатор шаҳарларида бўлиб, ўз касбий малакамини ошириб қайтдик, — дейди жамиятнинг бош муҳандис-технологи Улуғбек Умаров. — Бундан ташқари, турли-туман кўргазмаларда иштирок этиб, янги моделлар устида бош қотириб, уларни ишлаб чиқаришга жорий этялдим. Харидорлар дидига мос, сифатли махсулотларни савдога чиқаряпмиз. Натижада иқтисодий кўрсаткичларимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, корхонамиз чеварлари томонидан биргина ўтган йили бир миллиард 267 миллион сўмлик махсулот тайёрланди. Бу ўтган йилларга нисбатан 70 фоиз кўп де-

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида жамоат бирлашмаларининг роли тобора ортиб бораётди. Бугунги кунда улар демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг муҳим воситасига айланиб улгурган. Шу ўринда маҳаллалар ва сиёсий партиялар алоҳида инфузга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Улар фуқаролик жамиятининг бир-бирини тўлдирувчи институтлари ҳисобланиб, маҳаллалар партиялар дастурида кўтарилган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутати.

ҲАМКОРЛИК МАҚСАДИ — ФАРОВОНЛИККА ҚАРАТИЛГАН

Президентимизнинг 2012 йил 9 июлдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони маҳаллалар фаолиятини юқори босқичга кўтариш ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлигини янада қучайтиришга хизмат қилаётди. Ўз навбатида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг эл-юрт фаровонлиги ва раванқини таъминлашдаги ўрни ва таъсирини янада оширишда ҳам муҳим аҳамияти касб этди.

Халқнинг ишончли вакили сифатида биз депутатлар ҳам маҳаллалар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Айниқса, маҳаллаларда хусусий табдиркорликни ривожлантириш ва уни оилавий бизнес марказига айлантиришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Масалан, Қўшқўпир туманидаги Ўртаёп қишлоқ фуқаролар йиғинидан хунаридан Зубайда Тоғанова ўз бизнес лойиҳасини молиялаштириш мақсадида банкдан кредит олди. Муҳими, у ўз бизнесини ривожлантириш билан бирга янги иш ўринларини ташкил этди. Ҳозирда бу ерда 10 нафар қиз-жувон самарали меҳнат қилишмоқда.

Вилоят Кенгаши депутати сифатида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида кўплаб табдир ва учрашувлар ўтказиб турибмиз. Оқдарибанд қишлоғида Юсуф Жуманиёзов томорқасида турли қўчат ва полиз махсулотлари етиштиришни йўлга қўйди. Унинг тажрибасини ҳамқишлоқларига намуна сифатида кўрсатдик. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда маҳалланинг ролинини янада қучайтирди. Маҳаллалар ободлиги, одамлар, оилалар тинчлиги ва осойишталиги, кексаю ёшлар меҳр-оқибати, турмушининг фазл-баракаси учун ҳамма бирдек ҳаракат қилаётгани қувонarli, албатта. Умуминсоний қадриятларнинг ардоқланиши ва бу эзгу ғояларнинг ёшлар онгига сингдирилишида маҳалланинг роли катта. Хусусан, ушбу Дастур ёшларни маънавий, маърифатли ва ахлоқли қилиб тарбиялашда гоёта муҳим аҳамиятга эга. Оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш жамиятда барқарорлик ва тотувлиқни таъминлашга хизмат қилади. Олиб борилаётган амалий ишлар замирида халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тараққиётини юксалтириш каби эзгу мақсад муҳим.

Муҳаммад СОБИРОВ,
Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати,
Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

КОНСТРУКЦИЯ ВА ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида “Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентнинг мазмун-моҳияти ва ундан қандайдиган талабларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда “Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий регламент ишлаб чиқилганлиги ва бу умумий регламент 2012 йил 4 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланганлиги таъкидлаб ўтилди. Мазкур ҳужжат қарерда ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, барча авто-

лай бошлагач эса Ўзбекистон давлат стандартлари, халқаро ва давлатлараро стандартлар доирасига кирувчи эллик бешта норматив ҳужжатнинг мажбурийлигини йўқотиб, иктиврий тусга кириши кўзда тутилган. Бу эса, аввало, табдиркорларнинг иш юритиши учун қулай бўлиб, ишлаб чиқарувчи ҳам, фойдаланувчи ҳам, техник кўриқдан ўтказувчи ҳам энгиллик беради.

Матбуот анжуманида Агентлик меъририй ҳужжатлар ишлаб чиқариш, автотранспорт хавфсизлиги ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш йўналиши борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Аҳмадхон РИХСИБОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Тошкент Вилояти

ДОВОН ОШГУНЧА «ДОВОН» ХИЗМАТГА МУНТАЗИР

Қамчиқ довоғига элтадиган автомагистралнинг катта қисми Оҳангарон тумани ҳудудидан ўтади. “Тошкент – Қўқон – Ўш – Қошқар” автомагистралининг қурилиши омакур ҳудудларда йўловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратишни тақозо этмоқда.

Айни вақтда туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан автомагистрал ён атрофларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, ўтган даврда Оҳангарон ўрмон хўжалиги томонидан йўл бўйларига кўчки хавфини олдини олиш ҳамда автомагистрал минтақасидаги яйловларда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида 60 гектарлик майдонда кўкчалмазор-

“Пегаспетролиум газ” ҳамда йўлнинг 136-километрида табдиркор Аъзам Бойдуллаевага қарашли “Муҳаммад Зоҳид Пулатхон хожи” хусусий корхонасининг автомобилларга техник хизмат кўрсатуви шохобчаси ва савдо растанлари ишлаб турибди. Умуман олганда, автотрассанинг Оҳангарон тумани ҳудудидан ўтуви қисмида 9 турдаги сервис хизматларини ташкил этиш режалаштирилган. Яқинда яна бир табдиркор Ҳабибат Меғлиева йўлнинг 143-чақиримида “Довон” савдо растанини қуриб, фойдаланишга топширди. Ушбу мажмулада савдо растанлари билан бирга тамаддиқо-

на, суратхона, санитария узели, алоқа ҳамда компьютер хизматлари, шунингдек, машиналарга техник хизмат кўрсатуви шохобчалар мавжуд. — Бир вақтлар ушбу ҳудудларда ҳайдовчи ва йўловчилар учун ҳеч қандай шароит йўқлигидан жуда қийналар эдик, — дейди юк машинаси ҳайдовчиси Равшан Ҳасанов. — Эндиликда давлатимиз ва ҳукуматимизнинг гамхўрлиги билан барча хизмат турлари муҳайё этилмоқда, яратилган шароитлардан кечая кундуза берамол баҳраманд бўлиш мумкин.

Иброҳим ТОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Қашиқагар Вилояти

ЕРГА МЕҲР БЕРИБ, ЭЛДА ЭЪТИБОР ТОПДИ

Косон туманидаги “Х.Шодмонов” фермер хўжалиги бошлиғи Мамат Холлиев ерга меҳр берган инсонлардан. Ана шу хислати уни элга танитди. Узоқ йиллар хўжаликда бригадир, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган Мамат Холлиев ҳақиқий бахтни фермерликдан топди. 2003 йилда фермер хўжалиги ташкил қилиб, ерини обод, ишчилари турмушини фаровон этди. Истиқлол берган имкон — фермерлик ҳаракатининг самарасини кўрди. Меҳнат қадр топди. Унга Мустақиллик байрами арафасида Президентимизнинг Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор” унвони берилди.

Миз манфаатдоримиз. Меҳнат учун яратилган шароитни барчамиз хис қилиб турибмиз. Ишлаш учун шунча шароит яратилсаю, яна у эътироф этиб турилса, ғайрату шижоатингиз ошиб кетар экан...

Мамат Холлиев бошлиқ “Х.Шодмонов” фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда ҳам ютуқлар қўламини янада кенгайтирдилар. 20 гектар майдондаги галланнинг сулпер элита навидан 70 центнердан ҳосил олинди. Айни пайтда 163 гектар ердаги пахтадан ҳам мўл ҳосил тўпланди. Фермер хўжалиги аъзолари ҳосилдорлиқни энг камиде 50 центнерга етказишга аҳд қилишган. Моҳира Холлиева, Тошман Бойиров, Қулмурод Қўзибоев,

Матлуба Холлиева, Дилшод Бобоқулов каби ишчилар ана шу йўлда астойдил меҳнат қилишаётди.

— Мўл ҳосил — юқори даромад демақдир, — дейди фермер Мамат Холлиев. — Даромад эса хўжалик техника базаси мустаҳкамлиги, турмуш фаровонлиги омил.

Мамат Холлиев ақил оиланинг бошлиғи. У турмуш ўртоғи Моносулва ая билан етти нафар фарзандини эл-юрт ишига камарбаста қилиб тарбиялашди. Айни пайтда фарзандлари — Фаҳриддин, Шерхон, Моҳира, Жамол, Розия, Матлубай ҳам фермер хўжалигига ишлади. — Худудимизда 1850 гектар деҳқончилик қилинадиган ерда 16 та фермер хўжалиги фаолият кўрса-

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Демак, бу ерда гап факат кичик бизнес ва хусусий табдиркорликни мазкур жараёнга шунчаки жалб қилишни кенгайтириш ва ролинини ошириш хусусида эмас, балки иқтисодиётни ривожлантиришда ушбу соҳаларнинг марказий ўринини эгаллашга эришиш ҳақида бормоқда. Бу барча фуқаролар учун бевосита ва давлатнинг аралашувисиз иқтисодий ўсишдан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Турли хил халқаро прогнозларга қарамаддан ва жаҳон ҳамжамияти ҳамон молиявий инқироз ҳамда ишсизлик муаммоси билан курашаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти мунтазам юксалаётган бўлмоқда. Мен Ўзбекистоннинг барча соҳаларда эришаётган ютуқларидан хайратдаман. Анжуман давомида мен бу ерда гап моддий неъматларни тўплаш ҳақида эмас, балки уларни яратиш, одилона тақсимлаш ва тасарруф этиш ҳақида бораётганига амин бўлдим.

Бунинг энг мақбул ва самарали йўли — табдиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда бизнес билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдан иборатдир. Тарихан қисқа вақт ичида Ўзбекистонда глобал харид қобилиятига эга иқтисодий жиҳатдан бақувват ўрта синф шаклланибди. Бу Ўзбекистон Президенти юритаётган иқтисодий сиёсатнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари учун ташқи бозорларга чиқиш бора-сида яратилган кенг шарт-шароитлар кичик бизнес ва хусусий табдиркорликни янада ривожлантириш учун улкан имкониятлар очмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қилмоқда.

Ладаж СЕЕС, «Fontis» университети профессори (Голландия):

— Ёшларга касб-ҳунар таълими олиши учун кенг имкониятлар яратилгани, шунингдек, ижтимоий масъулият, инвестицияларни оқилона йўналтириш ва сарфлаш, шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан бу борада юритилаётган оқилона сиёсат, хусусан, таълим соҳасига инвестиция қилиниши ва малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги кенг қўламли ишлар ҳар қандай одамни хайратга солиди.

Александр ВИЛЕНСКИЙ, Олий иқтисодий мактаби хузуридаги Ишбиланмонлик муҳитини шакллантириш маркази раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор (Россия):

— Ўзбекистонда кичик бизнес ривожини барча кўрсаткичлар бўйича Россиядагидан бир неча баробар юқори. Бу — қамдан-қам учрайдиган ноёв ҳодисадир. Бунинг сабабини Ўзбекистонда Россияга қараганда бизнес муҳит анча юқори даражада шакллантирилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Россия — йирик корхоналар мамлақати. Россияда инқирознинг энг мураккаб даври ортада қолганидан кейин ҳам, кичик бизнеснинг қайта тикланиши ва ўсиши жараёнидаги иштироки сезилмаётди. Давлат томонидан ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича катта ваъдалар ва баёнотлар берилган бўлса-да, амалда улар бажарилмапти. Кичик бизнесда савдо-сотик устунлик қилаётди. Инновацияларга асосланган кичик бизнес ривожланмапти.

ни билан изоҳлаш мумкин. Россия — йирик корхоналар мамлақати. Россияда инқирознинг энг мураккаб даври ортада қолганидан кейин ҳам, кичик бизнеснинг қайта тикланиши ва ўсиши жараёнидаги иштироки сезилмаётди. Давлат томонидан ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича катта ваъдалар ва баёнотлар берилган бўлса-да, амалда улар бажарилмапти. Кичик бизнесда савдо-сотик устунлик қилаётди. Инновацияларга асосланган кичик бизнес ривожланмапти.

Андрес СТОЛАН, «International Development Norway» компанияси президенти (Норвегия):

— Кичик табдиркорлик субъектларининг халқаро бизнес жараёнларига интеграциялашуви инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро бизнесда иштирок этаётган компанияларнинг ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш имкониятлари бошқаларга қараганда тўрт баробар юқори. Бу мазкур корхоналарнинг, пировард натижада эса миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари учун ташқи бозорларга чиқиш бора-сида яратилган кенг шарт-шароитлар кичик бизнес ва хусусий табдиркорликни янада ривожлантириш учун улкан имкониятлар очмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қилмоқда.

Патрокос КУДУНИС, Афина шаҳри савдо-санаят палатаси аъзоси, «Aico Hellas SA» компанияси бош директори ва директорлар кенгаши аъзоси (Греция):

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Греция кичик бизнесини ривожлантиришда кўплаб қийинчиликларни бошдан кечирмоқда ва табдиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини тайёрлаш борасидаги кенг қўламли ишлар ҳар қандай одамни хайратга солиди.

Александр ВИЛЕНСКИЙ, Олий иқтисодий мактаби хузуридаги Ишбиланмонлик муҳитини шакллантириш маркази раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор (Россия):

— Ўзбекистонда кичик бизнес ривожини барча кўрсаткичлар бўйича Россиядагидан бир неча баробар юқори. Бу — қамдан-қам учрайдиган ноёв ҳодисадир. Бунинг сабабини Ўзбекистонда Россияга қараганда бизнес муҳит анча юқори даражада шакллантирилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Россия — йирик корхоналар мамлақати. Россияда инқирознинг энг мураккаб даври ортада қолганидан кейин ҳам, кичик бизнеснинг қайта тикланиши ва ўсиши жараёнидаги иштироки сезилмаётди. Давлат томонидан ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича катта ваъдалар ва баёнотлар берилган бўлса-да, амалда улар бажарилмапти. Кичик бизнесда савдо-сотик устунлик қилаётди. Инновацияларга асосланган кичик бизнес ривожланмапти.

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНГАНЛАР ҲАҚИДА ХИКОЯЛАР



Ушбу йилда фермерлар топшираётган ҳосил сифати ҳам ҳар йилгидан яхши, дейишмоқда пахта саноати ходимлари.

тади, — дейди “Пистали” муқобил машина-трактор парки раиси Шермурод Мирзаев. — Лекин уларнинг орасида Мамат Холлиев бошлиқ фермер хўжалигининг ўз ўрни, обрў-эътибори бор. Ушбу хўжаликда катта тажриба тўпланган. Агротехник табдирлар маромида амалга оширилади. Шу боис, ҳосилдорлик юқори. Айниқса, хўжаликда барча техникаларнинг борлиги иш унумдорлигини оширади. Ўз ишидан ортиб бошқалар-

Хусан ТЕМИРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.
Мурдулла КОМИЛОВ олган суратлар.

Жиззах Вилояти

ҲАР ЖАБҲАДА ИЛҒОР, ҲАР СОҲАДА ТАДБИРКОР

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР БОИС ЕРГА, МУЛККА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАР ТУБДАН ЎЗГАРДИ, ЯНГИЧА МАЗМУН-МОХИЯТ КАСБ ЭТДИ. АЙНИ ПАЙТДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН БАРЧА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ФЕРМЕРЛАР МЕҲНАТИНИНГ, УЛАРГА ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН КЕНГ ИМКОНИАТЛАРНИНГ САМАРАСИДИР. БУНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФЕРМЕРЛАРИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ КЎРИШИМИЗ МУМКИН.

Вилоятда айна пайтда турли йўналишлар бўйича 4800 дан зиёд фермер хўжалиги иш олиб бораётди. Уларнинг аксарияти пахтачилик ва галлачилик бўйича фаолият юритса-да, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик каби тармоқларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда айна пайтда турли йўналишлар бўйича 4800 дан зиёд фермер хўжалиги иш олиб бораётди. Уларнинг аксарияти пахтачилик ва галлачилик бўйича фаолият юритса-да, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик каби тармоқларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда бундай маъмуриликни янада мустақамлаш, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгайтириш йўлида катта амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, жорий йилнинг шу давригача саноат соҳасида 120 та, озиқ-овқат соҳасида 90 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 221 та лойиҳа амалга оширилгани ана шу амалий ишлар натижасидир. Қорамолчилик бўйича 20 та, паррандачилик

бўйича 6 та, балиқчилик бўйича 27 та ва асаларичилик бўйича 31 та лойиҳа ишга туширилди. Шунингдек, турли ҳажмдаги 8 та иссиқхона қурилиб, айна пайтда уларда экиш ишлари амалга оширилмоқда. Булардан қўриниб турибдики, эндиликда вилоят бўйича етиштирилаётган дон ва пахтагина эмас, балки бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам асосий қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Вилоятда бундай маъмуриликни янада мустақамлаш, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгайтириш йўлида катта амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, жорий йилнинг шу давригача саноат соҳасида 120 та, озиқ-овқат соҳасида 90 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 221 та лойиҳа амалга оширилгани ана шу амалий ишлар натижасидир. Қорамолчилик бўйича 20 та, паррандачилик

ХИЗМАТ

Мамлакатимизда пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган шу кунларда Пахтакор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасаларнинг малакали шифокор ва ҳамширалари пахтакорлар ҳузурига чиқиб, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Туманда ҳосил йиғим-теримида иштирок этаётган пахтакорларга зарур барча шароитларни яратиш баробарида уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу ишга туман тиббиёт бирлашмаси ва давлат санитария-эпидемиология назорати станцияси врачларидан ташкил топган иккита гуруҳ, шунингдек, худуддаги 5 та қишлоқ врачлик пункти шифокорлари жалб этилди.

Мазкур гуруҳлар зарур дори-дармонлар, малакали тиббий ходимлар билан таъминланган, дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Д.Норбоев. Ҳозир тиббий гуруҳлар дала шароитида турли касалликларнинг олдини олиш, санитария-гигиена талабларини бажаришга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда, зарурат туғилганда даволаш ишларини ҳам олиб бормоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, мавсумда пахтакорларга 4 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади. Теримчилар меҳнат қилаётган худудлардаги дала шийонлари махсус дори-дармонлар билан таъминланган. Республика Саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассисларидан ташкил топган махсус гуруҳ теримчилар ўртасида тушунтуриш ишларини олиб бормоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири.



ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

ПАХТАЧИЛИК

Чўл шароитида мўл пахта ва галла ҳосили етиштириш бўйича Дўстлик тумани деҳқонларининг ўз тажриба мактаблари бор. Буни уларнинг йилдан-йилга сарбланд хирмонлар тиклаб, туман иқтисодиётини юксалтираётганлари, мамлакатнинг илғор туманлари сафидан ўрин олаётганлари ҳам кўрсатиб турибди.



Илғор операторлар — Шухрат Абдураимов (ўнгдан), Шароф Нарзуллаев, Ботир Саидқулов, Баҳодир Хушвақтовлар.

ИШ УНУМИ ТЕХНИКА БИЛАН ЯНАДА ОШМОҚДА



Юртбошимизнинг бултур мамлакатимиз галлакор ва пахтакорларига, бу йил галлакорларга йўллаган табрикларидан туманнинг илғорлар қаторида эътироф этилиши чўлқуварлар шижоатини янада ошириб, янги ташаббус ва меҳнат зафарлари сари илҳомлантириб юборди. Буни уларнинг жорий йилда эл хирмонида бултурги 35 минг тонна ўрнига қарийб 41 минг тонна сара дон тўққанлари, айна кунларда 53 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини тезроқ тиклаш учун бор куч ва имко-

ниятларини ишга солиб, йиғим-теримни авж олдираётганлари ҳам кўрсатиб турибди.

Шу кунларда туман фермерлари ҳосилни саранжомлаб олиш учун бор куч-гайратларини сафарбар этишмоқда. Бу жараёнда, айниқса, механизаторларнинг ҳиссаси катта бўлаётди. Далаларда 40 та замонавий терим машинаси жавлон урмоқда.

Туманимизда гўза парваришини аввал бошданок машина теримига мослаб ташкил этганди, дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Убайдулла Турдимуродов. — Шунинг учун машиналар иш унуми ҳам, терилаётган пахта сифати ҳам юқори бўлаётди. Ҳар бир машина билан кунига 20 тоннагача ҳосил терилмоқда. Шухрат Абдураимов, Шароф Нарзуллаев, Баҳодир Хушвақтов, Зафар Жураев, Тоир Қўнишев, Фанишер Сунатовларнинг меҳнати бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Терилган ҳосилимиз эса фақат юқори навларга қабул қилинаётди. Сарқисов номли сув истеъмолчилари уюшмасидаги Баҳром Саидқулов бошлиқ «Жаҳонгир», Абдураззоқ Алиқобилов бошлиқ «Шойим ота», Хўжа Исроилов номли сув истеъмолчилари уюшмасидаги Омонгул Абдиева бошлиқ «Қангли» ва бошқа фермер хўжаликлари пахтазорларидан шартнома режасидаги 29-30 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

АСАЛАРИЧИЛИК

МИТТИ МЕҲНАТКАШЛАР ЯРАТАЁТГАН БОЙЛИК

Асалнинг минг дардга даво эканини барча билади. Ана шу минг дардга даво — маҳсулотни йиғиш учун ҳар бир ари само узра минг қақиримлаб учиши, минглаб дарахтлар гулларни ҳидлаб, уларнинг фойдали нектарларини йиғиши керак.

Шу боис, биз асаларичилар уларга қулайроқ, нектарлари мўлроқ жойлар ахтариб, тоғу даралар, қиру адирлар, овулу қишлоқлар кезамиз. Масалан, биз шу йилнинг кўкламидан буён тоғли Бахмал туманининг Қирғиз, Қирқ, Сутлибулоқ, туманимизнинг Чимилдик ва бошқа қишлоқларида бўлдик. Уч нафар бол ишқибозига ўз асаларичилик хўжаликлари-ни ташкил этишлариға ёрдамлашдик. Асл бўлса, асалнинг яхши-ёмони йўқ. Лекин тоғ ўсимликлари ва гиёҳлари гулларидан олинган нектарнинг чўл гуллариникидан фарқи борлиги ҳам сир эмас. Айниқса, баҳорда қир-адирларни ранго-ранг гулларга буржаб, атрофга қирой бахш этуви ўсимлик, гиёҳ ва майсалар гулидан олинган асал неҳоятда шифолидир. Чўл худудларида гўза гулларидан олинган асалнинг бод, турли ишлар, ўпка шамоллаши, камқонлик, йўғон ичак санғиги сингари касалликларга даволиги катта. Чўлда айна пайтда арилар гўза гулларидангина эмас, тақрорий экин сифатида экилган кунгабоқар, тарик, кунжут ва полиз экинлари гул-

ларидан ҳам нектар йиғади. Биз уларнинг бундан кейинги болларини ариларнинг ўзлари учун қишлоғга қолдириб, уялар бутлигини сақлаб қолиш чоратадбирларини кўрамиз.

Отам — билогия ўқитувчиси Худойберди Ҳасановнинг бундан уч йил бурун ўқувчиларига



асаларичилик амалиётини чуқурроқ ўргатиш мақсадида ташкил этган тўрт уягина мўъжаз арилар фермасини кенгайтириб, айна пайтда юз уяга етказдик. Отам маслаҳатчим. Жорий йил ҳисобидан 2 тоннадан зиёд шифобахш неҳмат олдик. Лекин асалимизнинг тенг ярмини аллақачон таниш-билишлар ва асалимиз олдинги йилларда харид қилган мижозлар олиб кетишди. Демак, маҳсулот сифатлидирки, харидорлари кўп.

Ойбек ҲАСАНОВ,
Фаллаорол туманидаги «Устоз муаллим» фермер хўжалиги раҳбари.

БАЛИҚЧИЛИК

Фермер хўжалиги ташкил этганимизга 12 йил бўлди. 26 нафар киши меҳнат қилаётган хўжалик асосан галлачилик ва пахтачиликка ихтисослашган. Ҳар йил шартнома режаларини ошириб бажарамиз. Бу йил ҳам эл хирмониға шартномадагидан 16 тонна ортқ галла топширдик. Айна пайтда пахта далаларида ҳосилни йиғиб-териб олиш мақсадида меҳнат қиялпмиз.

ЛУҚМАН ҲАЛОЛ — ЭЛ ДАСТУРХОНИГА



Далаларимиз Арнасой кўллари тизимига яқин. Шу боис, тизимда сув кўпайган йилларда пайкалларимиздаги дренаж қувурлари орқали оқова сувлар ортқ қайтади. Натижада, даламиз яқинида иккита кўлмак пайдо бўлган. Утган йили ҳар бири 1,5 гектарлик ана шу кўлмақларни тозалаб, чуқурлаштириб, сув кириш-чиқиш қурилмалари ўрнатган ҳолда балиқчиликни ташкил этдик. Яна бир кичикроқ ҳовуз қазиб, уларга балиқ личинкалари келтирдик. Маълум вақт ўтгач, уларни ҳам катта ҳовузларга ўтказдик. Айна пайтда яхшигина даромад олаётимиз.

Балиқчилик сёрдаромад соҳа. Аммо ҳовла деган билан оғиз чуқмагани каби, балиқ деган билан у тавода пайдо бўлмайди. Шу ўринда айтмоқчи эдимки, балиқчилик борасидаги тажрибаларимизни ўртага ташлашимиз лозим. Биз, тадбиркорлар тайёр личинкаларни келтириб, ўстириш, овлаш ва пуллаш билангина эмас, балиқчилик питомниклари ташкил этиш, балиқ уни, мойи ишлаб чиқариш, дудлаш, тузлаш каби ишлар билан ҳам шуғулланишимиз керак. Зеро, чорвачилик ва паррандачилик соҳаларини ривожлантиришда балиқ унинг аҳамияти беқиёсдир. Унинг таркибида кальций, фосфор ва оқсил моддаларининг кўплиги учун бузоқлар, товуқ ва хўжалар емига қўшиб берилади. Шунда улар тез ўсиб, касалликларга чидамли бўлади, сигирлар суги ва новвослар гўшти узоқ сақланади. Балиқ мойи эса болаларда рахит, шамоллаш, ва бошқа касалликларни даволаши билан бебаҳодир.

Жорий йилда вилоятимизда 27 та балиқчилик лойиҳалари амалга оширилди. Балиқчиликни, умуман тадбиркорликни ривожлантириш борасида Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрликлар кўрсатилляпти. Булар устига тадбиркорларнинг ташаббус ва изланишлари, таъминотчи корхоналарнинг қўллаб-қувватлашлари билан балиқ етиштиришни кўпайтирялпмиз.

Раҳматулла КўЧАРОВ,
Арнасой туманидаги «Фориш» фермер хўжалиги раҳбари.

ТУЯЧИЛИК

ОЛИСНИ КЎЗЛАГАНМИЗ

Ота-боболаримиз, айниқса, чўллик чорвадорлар туялардан жуда унумли фойдаланишган. Қаҳратон қишларда бир жойдан бошқа жойга борар бўлишса, туя минишган, чуқур қудуқлардан сув чиқаришган, қўраларидан яйловларига ем-емишни ҳам туяларда ташишган. Шу боис, уларни «Саҳро кемаси» деб аташлари ҳам бежиз эмас. Туяга яна бир таъриф беришдади — «Чўл аптекаси». Бунинг боиси унинг суги жуда кўплаб дардларга шифо бўлади.

Бугунги кунда ҳам туячиликни ривожлантиришнинг фойдаси катта. Узимиздан келиб чиқиб айтсак, саломатлигим сабаб, бундан беш йил бурун биттагина она туя сотиб олиб, унинг шифобахш суги билан



соғлигимни тикладим. Шунда туячиликка эътиборим кучайди. Ва хўжалигимизни ҳам ривожлантира бордим. Айна пайтда оила аъзоларим билан биргаликда хўжалигимизда 29 бош туя боқаялпмиз. Шундан 10 боши соғин туялар. Улардан ҳар кун 30-35 литр суг соғиб, мойини олгач, қимрон тайёрлаб туманимиздаги «Аул», «Ёшлик» чойхоналарига етказиб берамиз. Қўшни Сирдарё вилоятидан келиб, олиб кета-

диган мижозларимиз ҳам бор. Суг ҳолида ташиб кетувчилар ҳам кўпчилик. Булардан кўриниб турибдики, эндиликда туя суги ва қимронининг шифобахш хусусиятларини кўпчилик билади. Туманимизда эса, бултурдан бошлаб яна уч нафар туячилар ўз тадбиркорликларини йўлга қўйишди.

Аббос НАВРЎЗОВ,
Мирзачўл туманидаги «Аббос» фермер хўжалиги раҳбари.

БОҒДОРЧИЛИК

«БОҒИРАВОН»НИНГ ЙЎЛИ РАВОН

Бундан тўрт йил мукаддам Фориш тумани Эгизбулоқ қишлоғидан 4-5 чақиримча юқоридаги Нурота тизмасининг Оришли ва Устихон даралари оғзидаги 6 гектарча келадиган тошлоқни ўзлаштиришга киришдик.

Қишлоқ одамлари «икки дара оғзи» деб атайдиган ана шу жойда ёнғоқ, олма, анор, дўлана ва бошқа меваги дарахтлар экиб, парваришладик. Бугун улар дараларга кўк бахш этиб турибди. Кейинги қўшилган бир гектарга яқин майдонда эса ўн хилдан зиёд узум тоқлари ҳосилга кирди. Тоғ мевалари ва узумларининг хусусияти ҳам, ҳосиятлари ҳам кўп. Уларни очиш учун ишлаш, изланиш керак. Дарахтларни бир-бирига пайвандлаб янги нав яратиш устида ишладик. Мана унинг ҳосилини кўринг: уч йил мобайнида

ширин анорни аччиқ анорга пайванд қилиб, уруғсиз анор нави яратдик. Бир туп дарахтда ҳам эртаги, ҳам ўртаги, ҳам кечки олма мевалари етиштирялпмиз.

Сирасини айтганда, «Боғиравон»ни оддий деҳқон хўжалигидан фермер хўжалигига айлантирдик. Бу йил туман аҳолиси истеъмол учун ҳозиргача 4 тоннага яқин олма етказиб бердик. Уч тонна ёнғоқ, 2 тонна атрофида дўлана, 2 тонна анор йиғиб-териб олишни мўлжаллаб турибмиз. Айна кунларда пахта теришга киришган хўжаликлар учун «Боғиравон» неҳматларидан совға тайёрлялпмиз.

Боғ ва тоқзоримиз тўла ҳосилга кирди. Атроф қишлоқларда ҳам кўплаб боғ ва тоқзорлар бор. Демакки, мевалар жуда мўл. Шу боис, қишлоғимизда мева ва узумни қайта ишлаш чеги қиришга киришдик. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ана шундай натижаларга эришялпмиз.

Маъруф ЖУМАЕВ,
Фориш туманидаги «Боғиравон» фермер хўжалиги раҳбари.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» – КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА КЎМАКЧИСИ



Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзудаги халқаро конференцияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш тизими иқтисодийнинг ушбу тармоғини жадал ривожлантиришга кўмаклашадиган муҳим йўналишлардан бири экани қайд этилди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, микромолия-лаш бу борадаги энг самарали механизмлардандир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал ривожининг асосий омиллари эса қўлай муҳитда. Биргина уларга кўрсатилган ётган хизматлари олайлик. Уларга молиявий кўмак бериш мақсадида ихтисослаштирилган универсал молия муассасаси – «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки фаолият юритмоқда. У кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривож топиши,

сўмдан зиёд сармоялар йўналтирилди. Сармоялар самарасини қўлай минглаб киши доимий иш ўрнига эга бўлди.
– Мен ўз ишимни энди бошлаётган тадбиркорлар учун бошланғич капитални шакллантириш масалалари билан шуғулланаман, – дейди АҚШ Давлат департаментининг Тижорат ва бизнес ишлари бўйича офиси Глобал тадбиркорлик дастурининг масъул ходими

кўйлак ва тўй либосларига кўплаб буюртмалар олмақда.
– Ишимизнинг ривожига банкнинг мадади катта бўлди, – дейди тадбиркор. – Имтиёзли кредит боис сармоядан самарали фойдаланамиз.
Самарқандлик тадбиркор Зарина Абдурахмонова имтиёзли кредит олиб, аёллар кийим-кечақларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Aziya lady» тикув цехини ташкил этди.
– Аввал аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шўбхобчасини очдик, – дейди тадбиркор. – Сўнгра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ишбилармонлик фаолиятини кенгайтиришга киришдик. Бизнес лойиҳамиз «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиали томонидан маъқулланди ва 3 фойзлик имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу кредит эвазига замонавий тикув машиналари харид қилдик. Келгусида тикув цехини йирик корхонага айлантириш ниятдамыз. Бунда ҳам банк мададига суянамыз.
«Микрокредитбанк» томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оилалар, хусусан, ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.
Айни пайтда банк билан ҳамкорлик қилаётган ёшлар доираси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Банк ходимлари касб-хунар кол-



Тадбиркор Зарина Абдурахмонова «Микрокредитбанк»нинг Самарқанд вилояти филиалидан имтиёзли кредит олиб, аёллар кийим-кечақларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Aziya lady» тикув цехини ташкил этди.

лекторлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқдалар. Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида битирувчиларга 7,8 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Натияжада уч минг икки юзта янги иш ўрни яратилди. Умуман олганда, «Микрокредитбанк» ташкил этилгандан буён ёш тадбиркорларни хар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натияжада ёшларга салкам 100 миллиард сўмга яқин миқдорда маблағлар йўналтирилди.

Айни пайтда банк фаолияти жаҳон стандартларига мослаштирилган, унинг халқаро доирадаги нуфузини ҳам мустаҳкамлаётган. Халқаро «Fitch Ratings» агентлиги томонидан «Микрокредитбанк»нинг узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилик рейтинглари «В» «Барқарор» даражасига кўтарилган, 2011 йил натижаларига кўра, унинг хорижий валютадаги узоқ муддатли рейтингини даражаси оширилиб, «Барқарор» деб баҳолангани бунинг тасдиғидир.

Дунёдаги йирик молия ташкилотлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Жаҳон банки маблағлари, Халқаро тараққиёт уюшмасининг кредит линиялари грантларини кичик бизнес субъектларига тақдим этишда ҳам банк фаол иштирок этмоқда.

Бутунжаҳон микромолиявий тақвиротларнинг ахборот алмашинуви – «Mix-market» агентлиги ҳисоботларига кўра, Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклик бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кириб, 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилгани ҳам «Микрокредитбанк»нинг халқаро доирадаги обрўйи тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Бостонда (АҚШ) нашр этиладиган «Микрокредит банк бозори ахборотномаси» журнали томонидан чоп этилган рэнкинга мувофиқ, Марказий Осиё ва Европадаги 151 та микрокредит банки ичидан энг яхши 10 та банк қаторидан жой олгани нафақат мазкур молия муассасаси фаолиятига, балки мамлакатимиз банк-молия тизимида амалга оширилаётган изчил ишловларнинг нақадар тўғри эканлигига берилган юксак баҳо дидир.

Мухиддин АБДУСАМАТОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



Жарқўрғонлик Умиджон Бибитов «Микрокредитбанк»нинг Жарқўрғон филиалидан омад имтиёзли кредити ҳисобига эркаклар учун турли хилдаги костюм, кўйлак ва тўй либослари тайёрлашни йўлга қўйди.

мамлакат иқтисодий тараққорлашуви ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган молия муассасаларидан ҳисобланади. Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан фаолият бошлаган ушбу банк ўтган йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг энг ишончли ҳамкорига айланди. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши эса банкнинг тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлари кўламини янада кенгайтириш имконини яратди.

Банк ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 триллион сўмдан ортиқ кредит ажратган бўлса, шунинг 600 миллиарддан ортиги микромолиявий хизматлардир. Ушбу маблағлар эвазига республикамизда 500 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди.
Жорий йилда банк жамоаси иш кўламини янада кенгайтирди. Мустаҳкам оила йилида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажмини 202,8 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган. Жорий йилнинг саккиз ойида соҳага 147,6 миллиард

ми Майкл Шенна «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуда халқаро конференциясида берган интервюсида. – Бу хусусий секторни самарали ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бундан ташқари, бизнесменлар учун солиқ, инвестиция ва бошқа преференцияларни яратишда давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши лозим. Бусиз кичик бизнес кутилган даражада ривожлана олмайди. Ўзбекистонда ушбу бarchа жиҳатларга эътибор қаратилмоқда ва шу сабабли мамлакатингиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бундан ҳам ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга, деб ўйлайман.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда яратилган шароитдан унумли фойдаланиб, тадбиркорларимиз юксак натижаларга эришмоқдалар. Бу жараёнда «Микрокредитбанк» ҳам ўзининг муносиб улуши билан иштирок этаётир.
Келинг, банк билан ҳамкорликда фаолият юритиб, яхши натижаларга эришаётган тадбиркорлар фикрига қўлак тутамиз.
Жарқўрғонлик Умиджон Бибитов «Микрокредитбанк»нинг Жарқўрғон филиалидан имтиёзли кредит олиб, фаолият бошлаган эди. Асосан, эркаклар кийимини тикишни йўлга қўйган тадбиркор қисқа фурсатда кўплаб мижозлар эътиборига тушди. Ҳозир у шогирдлари кўмағида эркаклар учун турли хилдаги костюм-шим,

лежларига бўлиб, ўқувчиларга тадбиркорликни бошлаш учун микрокредит олиш тартиблари ва ундан мақсадли фойдаланиш талаблари асосида тадбиркорлик дарсларини ўтмоқдалар. Мазкур тадбиркорнинг амалий самараси сифатида ўтган йили касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 1795 нафарига 5 миллиард сўмдан ор-



Алибек Полъонов «Микрокредитбанк»нинг Қорақўл тумани филиали томонидан ажратилган 20 миллион сўм миқдоридagi кредит маблағлари эвазига Янги турмуш маҳалла фуқаролар йиғинидаги Мирҳожие қишлоғида хусусий тиш доволаш масканини ишга туширди.

қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натияжада жойларда, айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдаришга хизмат қилляпти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ёшларига тенгшодларини қорлаб, уларнинг ишби-



СПОРТ ▼ ФУТБОЛ ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ЭРОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Маълумки, футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 22 сентябрь – 6 октябрь кунлари Эронда ташкил этиладиган Осиё чемпионатида иштирок этишди.

Шу муносабат билан терма жамоамиз бугун Эронга жўнаб кетди. Мусобақада мураббий Дилшод Нуралиев бошчилигидаги терма жамоа олдинги 2013 йил БААда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш вазирига қўйилган.
Мусобақага тайёргарлик жараёни пухта ташкил этилди. Йигинлар ташкил этиш баробарида тайёргарлик жараёнида, шунингдек, ФИФА ҳаками Равшан Эрматов иштирокида ўсмир футболчиларимизга футбол қоидалари, ундаги янгиликлар бўйича тренинг-машғулотлари ўтказилди. Жўнаб кетиш арафасида ўтказилган махсус йи-

гилишда Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар маркази техник директори Рустам Акроров мазкур терма жамоа 2009 йилдан буён шакллантирилаётгани ва унинг таркибига республикамизнинг энг иқтидорли ёшлари жаллангани таъкидлади.
Ўсмирлар терма жамоамиз мусобақада «D» гуруҳида Сурия, Хитой ва Хиндистон вакиллари билан кураш олиб боришди.
Дастлабки баҳсини 23 сентябрь кuni хиндистонликларга қарши ўтказишди. Жаҳон чемпионати йўлланмаси мусобақада қучли тўртликдан жой эгаллаган жамоаларга берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ ҲАҚИДА «FIFA FUTBOL MUNDIAL»ДА

Футболни тарғиб қилувчи жаҳонга машҳур «FIFA Futbol Mundial» кўрсатув ижодкорлари 3 октябрь кuni Ўзбекистонга ташриф буюришлари кутилмоқда.



Ушбу ташрифдан мақсад Ўзбекистон футбол ва унда амалга оширилаётган ишловлар ҳақида кўрсатув тайёрлашдан иборат. Кўрсатув ижодкорларининг маълум қилишларича, иккунчи гуруҳ тўрт кун давомида пойтахтимизда меҳмон бўлади ва кўрсатувнинг янги сони учун лавҳалар тайёрлашди.
Ташрифнинг биринчи кuni – 3 октябрда кўрсатув ижодкорлари Осиё чемпионлар лигаси чорак финал жавоб учрашуви – Тошкентнинг «Бунёдкор» ҳамда Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» жамоалари ўртасидаги баҳсини кузатишди. 4 октябрь кuni эса Ўзбекистон Олий Лигасининг марказий учрашувларидан бири – «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги учрашувга ташриф буюришди.
Кейинги икки кун давомида «Futbol Mundial» ижодкорлари Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги энг қучли клублари деярли ҳар бирига ташриф буюришди.
«Бунёдкор» ҳамда «Пахтакор» клубларининг машғулотларини кузатиш, иккала клуб мураббийлари ва футболчилари билан суҳбат ўтказишни режалаштирилган.
Муқаддас FIFA ҳақами хамюртимиз Равшан Эрматов ҳамда ҳам ушбу кўрсатувда ҳикоя қилинган эди.

Мухиддин АБДУСАМАТОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

ОДИЛ АҲМЕДОВГА БАФИШОЛАН ФИЛЬМ

Кино илосмандлари орасида яхшигина танилиб улгурган, ёш иқтидорли режиссёр Акбар Бектурдиев («Хавфи саргузашт», «Хур қиз», «Сўнгги лаҳза», «Ота», «Жазо», «Бахт уйи» каби фильмларни сурагга олган) янги фильм устида ишлаётгани ҳақида интернет манбаларида маълумот тарқатилган. Ушбу фильм Ўзбекистон футбол терма жамоаси аъзоси, Россиянинг «Анжи» клуби аъзоси Одил Аҳмедов ҳақида бўлиши айtil-

моқда. Фильм билан боғлиқ бошқа маълумотлар маълум қилинмаган.
Азиз НУРУЛЛАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

EKSPRESS INFORM SAVDO риэлторлик агентлиги
Сизларни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларга тақлиф этади!

Наманган вилояти Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 18 сентябрдаги 76/ас-ер сонли буйруғига асосан 2012 йил 24 октябрь кuni соат 10:00 да Наманган шаҳар Банк кўчаси 9-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига яқна тартибда уй-жой қуриш учун устакларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгаллик қилиш учун қуйдагилар ер майдонлари ҳамда бино иншоотлари қўйилмоқда:
Наманган вилояти Учқўрғон тумани Фарғона МФЙ ҳудудидан яқна тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, хар бири 0,04 гектардан бўлган 12 дона ер майдонлари.

Бошланғич баҳоси: 150 000 (Бир юз эллик минг) сўм.
Ер майдонлари ва бино иншоотлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, канализация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасининг бошқа ўзига хос шартлари каби қўшимча маълумотлар учун Наманган шаҳар Навойи кўчаси 10-уй (Мўлжал: Узғаросуғурта ДАСКнинг Наманган филиали биноси ёнида)га мурожаат қилишигиз мумкин. Телефон: (8-369) 226-20-23.

2012 йил 24 октябрь кунларидagi очик аукцион савдоларида сотилмаган ер майдонлари ва бино иншоотларининг такрорий савдоси 2012 йил 31 октябрь ва 7, 14 ноябрь кунлари соат 10:00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидagi талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдода катнашиш учун зақалат пулини «EIS» МЧЖнинг «УзСановатҚурилишбанк» Наманган филиалидаги, МФО 00224, СТИР 302118546, х/р 20208000204940071001 ҳисобрақамига тўлашлари шарт. Телефон: (8-369) 226-20-23, 226-14-62.
Лицензия RR-0086

Производство ООО «Агро фит»
для сада и огорода
для капельного полива
для всех типов растений
тел.: (+998 98) 127-53-63
факс: (+998 71) 283-35-73
chemister@inbox.ru
www.agrofit.uz

КО'СНМАС MILK SAVDO XIZMATI» МЧЖ КУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ!

«Qishloq hayoti» газетасининг 20.09.2012 йилдаги 110 (8035)-сонидa чоп этилган 2012 йил 2 августдан 30 августгача бўлган савдо натижасидagi «Маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси» қуриш учун Чирчиқ шаҳар, 8-кв.кв. ноия, Чирчиқ, 50 йиллиги ва М.Бобур шох қўчалари киёсуви ҳудудида жойлашган ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг сотилиш қиймати 1 000,00 минг сўм ҳамда «Автомобилларга султиришган газ қувиш шўбақаси ҳамда тибби ва авария йрдачи объект» қуриш учун Бойсун тумани, Сайроб ҚМФ, Чилонзор м-сида жойлашган ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг сотилиш қиймати 120,00 минг сўм деб ўйрилди.
Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Коррақамни, 1-«А» уй. Тел: (8-371) 228-79-52.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрноат комплекс тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рқам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 236-58-83, Котибхона – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-56-30, Маълумот ва маърифат бўлими – 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-28-04, Факс – 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-06; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мушоҳири: О.СИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМЎМИДОВА